



226

2013 у.р. "17" июн

№ 598-к.

Самарқанд т-р Самарқанд

“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласида намунавий лойиҳа асосида қуриладиган уй жойлар массиви бош режасидан маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси, ошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси ва савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Улугбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласида яшовчи фуқаролар Нўмонова Сурайё ва Мухторов Орзу ҳамда Самарқанд шаҳар 8 март кўчасида яшовчи Меликова Бонулар туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласи ҳудудидан маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси, ошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси ва савдо дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Улугбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласида шу маҳаллада яшовчи фуқаро Нумонова Сурайёга маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ва ошхона қуриш учун 0,16 га (шундан қурилиш учун 600 м.кв ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 0,1 га), ушбу манзилда яшовчи фуқаро Мухторов Орзуга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси ва савдо дўкони қуриш учун 134 м.кв. автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси ва савдо дўкони қуриш учун 134 м.кв. ҳамда Самарқанд шаҳар 8 март кўчасида яшовчи фуқаро Меликова Бонуга савдо дўкони қуриш учун 78 м.кв. намунавий лойиҳа асосида қуриладиган уй жойлар массиви бош режасидан қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Юқорида номлари зикр этилган фуқароларга маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси, ошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси ва савдо дўконини қуришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин

Туман ҳокими

Б.Садуллаев